

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA»
очиқ акциядорлик жамияти
Андижон - 2004



Восит САЪДУЛЛА

ҚУТЛУҚ ВАТЛАН

Ғазаллар



«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAА»

очиқ акциядорлик жамияти

2004

84(54)6-3

Муқовани Ўзбекистон халқ рассоми
Низомитдин ХОЛИҚОВ бегаган.

Саъдуллаев, Восит.


Қутлуғ Ватан

(Ғазаллар) - «ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» OAJ, 2004 йил. 72 бет.

Элимизнинг сеvimли шоирларидан бири Восит Саъдулла серқирра ижодкор эди. У бадиий ижоднинг кўп жанрларида ўз истеъдодини намойиш эта олган. Восит аканинг гўзал ғазаллари эл орасида айниқса машҳур. Шоир таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан нашрга тайёрланган ва унинг дилбар ғазалларидан тўзилган мазкур ғулдаста - тўплам ҳам ғазал шайдоларининг энг суюкли китоблари қаторидан жой олади, деб умид қиламиз.

Андижон вилояти
З. М. Бобур намли кутубхонаси
84 (5 Узб)
С - 35

© «ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA»
OAJ, 2004



4
Wo 30353
0

ОРАСНА УМР БОҒИ

Ҳар бир шаҳар, ҳар бир юрtnнинг ўз улуглари бўлади. Бу улуг кишилар юрти, элининг энг муҳим ва ўзига хос сифатлари, фазилатлари, хулқ одатларини ўзида мужассам этадилар.

Азиз ҳамюртимиз Восит Саъдулла Андижоннинг ана шундай улуг инсонларидан бири, ўзбек адабиётининг табаррук сиймоларидан, мумтоз арузнинг собит давомчиларидан эди.

Андижондан қачон Тошкентга йўлимиз тушса, адабиётимиз оқсоқоллари (масалан, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Туроб Тўла ва бошқалар) салом - аликдан кейиноқ «Восит қалай?», деб сўрашар эди. Ана шундай пайтда биз, андижонликлар, Восит акамиз билан яна бир карра фахрланардик. Ва юрт доврўғини таратадиган кишилар, аавало, шоир-ёзувчилар, санъаткорлардир, деган ақидага яна бир карра ишонч ҳосил қилар эдик. Устоз адиблар бизнинг мўътабар шоиримиз саломатлигини сўрашгач: «Уни эҳтиёт қилинглар, йўқлаб туринглар, Восит - катта шоир, нозик табиатли инсон»,-деб уқтиришар эди.

Дарҳақиқат, Восит аканинг юксак инсоний, ижодкорлик фазилатлари ҳақида гап кетганда, шуни айтиш керакки, у ижод аҳлини, устоз ва дўстларини, шогирдларини ҳурмат қилар, свиб-эъозлар, уларни тез-тез йўқлаб турар эди (адабий гурунглар унинг жони-дили эди). Узоқроқ кўришмай кетсак, биздан ўпкалаб қоларди. Бу ўпкалаш замирида бизга, яъни қаламкаш укаларига нисбатан, ижод аҳлига, адабиётга нисбатан муҳаббат, соғиниш туйғуларини туяр эдик, туюб хижолат чекар ва айни вақтда ичдан қувонар эдик. Ҳа, у кўпчилик баҳо берганидек, ёки яқиндан мулоқотда бўлмаганлар тасаввур қилганидек мағрур эмас, самимий, кўнглига яқин олган кишиларга кичиккўнгил эди. Дарвоқе, Восит аканинг гурури ҳақида: у сирtdан қараганда ҳурматталаброққа, иззатталаброққа ўхшаб кўринар эди. Бироқ, биринчидан, Восит аканинг ўзи ўзгаларни ҳурмат қилар ва шунга яраша жавоб кутар эди. Иккинчидан, у шахсиятига кўрсатилажак ҳурмат, иззат ортида ҳамиша шеърятга, ижодиётга бўлган ҳурмат-иззатни кўрар, шунинг учун унинг бу борадаги нозик табиатлилиги бошқаларга малол келмас эди.

Умуман, Восит аканинг, хусусан, ёш ижодкорларга ибрат бўлгулик фазилатлари кўп эди: у ҳамиша фақат ва фақат ижод билан нафас олар, ижодкор ҳаётининг мазмунини шундай англар ва тарғиб қилар эди. Умри охирларида Восит акага саломатлиги бот-бот панд берадиган бўлиб қолган эди. Уни кўргани уйига борсак ҳам, шифохонага борсак ҳам ёнида, стол устида дасталанган қоғозларга, саҳифаси очиқ китобларга, варақдаги ҳозиргина оққа кўчирилган ё энди яримланган ғазалга кўзимиз тушарди. Восит ака бетобликнинг саломатлигига эмас, ижодий кайфиятига таъсир қилаётганидан, режаларининг рўёбга чиқиши чўзилиб кетаётганидан нолирди. Шунда биз ийманиб, у кишига ўзимизча тасалли берган бўлиб: «Домла, ҳозир кўпроқ саломатликни ўйласангиз яхши бўларди», десак: «Мен шеър ёзмаган кунимни кун ҳисобламайман, қаламсиз кун ижодкор учун ўлик кундир», дер эди.

Восит ака ана шундай қатъиятли ижодкор эди. Унинг бу фазилати улкан инсоний матонат билан, ўзига, ўз иқтидорига ишонч туйғуси билан омухта бўлиб кетган эди, шу боисдан ҳам Восит Саъдулла нисбатан қисқа вақт ичида ижодини қайтадан тиклади, бир неча шеърый мажмуалар, драмалар ёзди, тўрт девоннинг иккитасини нашр эттирди, учинчисини нашриётга топширди (тўртинчиси шоир архивида, қўлёзма ҳолида қолди).

Восит аканинг чапдастлиги, тўғри сўз, ҳақиқатпарварлигини уни эшитган, таниганки киши яхши биларди. Ватанпарварлик хислати эса бутун ижодининг мазмунини, бадииятини белгилайди. Шоир халқини қанчалик эъозласа, юртини, ватанини ҳам шунчалик оташин муҳаббат билан севарди:

*Яйра, кўнглим, сенда бор бундай диёр ҳеч ерда йўқ,
Бунчалик одамга ҳурмат-эътибор ҳеч ерда йўқ.*

Ҳа, Восит аканинг ҳаётга бўлган муҳаббати беқиёс улкан эди, у ораста инсон, ораста ижодкор эди:

*Восит, умринг кўҳна олам олдида бир лаҳзалик,
Қолдир элга яшнатиб ораста умринг боғини...*

Восит ака ўз сўзига биноан ҳаётидан девон тузиб, шундай бир боғ яратиб кетдики, бу боғнинг сархил ва ҳамиша яшнаб тураверадиган ранго-ранг меваларидан фақат замондошларигина эмас, балки келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлаверадилар.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
юшмаси Андижон вилояти
бўлимининг бошлиғи.



ҚҰШЛУҒ ВАТАН

ҚУДРАТБАХШ

Ватан шаҳри эмас, саҳролари ҳам менга роҳатбахш,
Элим орзу билан қилган шиори дилга журъатбахш.

Замон шиддат билан тезкор бўлиб, олға босар ҳар дам,
Даврга ҳамнафас бормоқ эрур ҳар кимга ғайратбахш.

Ватан бағрида элдошлар қилур меҳнат сужоатлик,
Улар қучган зафар, шону шарафлар элга ибратбахш.

Ақл ҳайрон қоларлик янги-янги кашфиётлар бор,
Ватан қаддини тоғ қилгайки, бу иш унга қудратбахш.

Ҳар ишчи, ҳар ҳунарманд, олиму деҳқон эрур бир жон,
Ақл, меҳнатсеварлик аҳди бирла ҳамма ҳимматбахш.

Гўзал юртимни минг турли гиёҳ, гул, неъмат борким,
Саломатликда тенгсиздир, элим инсонга сиҳатбахш.

Замон фарзандлари қалқон эрур элга - садоқатлик,
Агар ёв келса қақшатгайки, Восит, жангда нусратбахш.

1986 йил.

Ўп

Бу улуг, кутлуг Ватаннинг тоғу саҳро, боғин ўп,
Кўзга суртиб гардини, минг ўргилиб тупроғин ўп.

Ҳамма нарса тенг муқаддас сенга тош, гулзори ҳам,
Кел, асл фарзанди бўлсанг, хорин ўп, янтоғин ўп.

Ҳар гиёҳни жон билан эъозла, ўсган бағрида,
Сут, асал, ёғ истасанг, минг ястаниб ўтлоғин ўп.

Қўшган умрингга умр, рангингга ранг ҳар меваси,
Ҳар дарахтин шод қучиб, ҳатто хазон япроғин ўп.

Хорлик кўрмай десанг, хор айлама бир чўпни ҳам,
Элга кўрк, қудрат ўша ўрмонин ўп, кел, тоғин ўп.

Тутма кўз ҳаргиз у дунё мулкига, ёлгон бари,
Йўқ эрур андогиким, алданма сен, бундоғин ўп.

Бўлди Бобур элга зор, гурбатда султон бўлса ҳам,
Ўодлигинг, эркинг бу эл, қадрига ет, байроғин ўп.

Элга қўшди, сенга олам бағрин очди бу Ватан,
Шукр этиб, Восит, азиз остонин ўп, чорвоғин ўп.
1973 йил.

ТИЛАК МОНАНД

Ватан шавкатларига мен ҳамон беш кетганим-кетган,
Унинг мадҳида завқ бирла газаллар битганим-битган.

Замон берган тилак монанд эрур қудрат бу имконлар,
Умид, орзуларимга аҳд қилиб мен етганим-етган.

Ғанимат ҳар нафаским, куррамиздек тез юрар. фурсат,
Ҳар дам олға интилиб, мен замондан ютганим-ютган.

Каноат ҳосил этмасман қозонган шон, зафарлардан,
Яна хушвақт замондин хушхабарлар кутганим-кутган.

Тирикманким, керак интилмоғим эртам учун ҳар чоғ,
Ҳаёт баҳридаман ҳар кун қулочим отганим-отган.

Мукамал, бой фазилат ҳар замондошим аро кўрсам,
Ёмонлар бағрига тошдай ки, қаттиқ ботганим-ботган.

Азизман, мўътабарманким, шу ҳурмат, эҳтиром ҳаққи,
Улуғ юртимга, Восит, мен фидо жон этганим-этган.

1985 йил.

ХУШҲАВО

Яшаш орзуси чексиздир, чунки олам дилрабо,
Курра гулзору чароғон, роҳатистон хушҳаво.

Денгизу дарёлари жонбахш ватан, элларга ҳам,
Ирмоғу ҳар чашмасиданким топар ичган даво.

Сайр этиб ёз ойлари тоғ бағрида юрганки бор,
Олгани роҳат етар бир йилгача беижтибо.

Соя-салқин боғлари, гулшан, хиёбон йўллари,
Рух бағишлар кирсангизким, сизга ҳар чоғ дилкушо.

Одам одамлар билан кўнгли бутундир, вақти чоғ,
Бўлса ким элдан йироқ, бўлгай оламга мубтало.

Тўймагайман мен бу оламнинг чиройига қараб,
Ҳар гиёҳу қушлари кўзимга доим тўтиё.

Мен ҳам ўтгайман бу олам кўркигаким кўрк қўшиб,
Қолгай олам, Восито, аввалгидан ҳам дилрабо.

1986 йил.

ОГОХ

Жаҳон нотинч, бўлиб юргил элинг осмонидан огох,
Ватан меҳри билан ўсдинг, унинг аҳди сенга ҳамроҳ.

Қулоқ солма эсанг содиқ, учар ел, дайди гапларга,
Сенга эл меҳрибон чандон, керакмас, ўзга бир дилхоҳ.

Ҳаётинг гул, эрур орзуларинг гулшан, сен армонсиз,
Азиз, қудратлисанким, масканинг машҳур улуғ даргоҳ.

Иноқ бўл эл билан, дўстинг зафар қучса, қувон қутлаб,
Одам эрсанг, ғайрлик қилма, дўстга қазмагил сен чоҳ.

Муродингга етарсан интиликким, сен билан имкон,
Улуғ бир йўлдасан, сенга эмас даркор кичик бир роҳ.

Ўзинг монанд дили равшан, йўли қутлуғ билан бўлгил,
Койитма ўзни сен асло, сенга дўст бўлмагай гумроҳ.

Кечир умрингни бургутдай, жасорат бирла, Восит сен,
Шарафсиздир агар минг йил умр кўрган билан тимсоҳ.
1986 йил.

АЙЛАСИН

Шундайин бир боғ қилай, булбуллар ошён айласин,
Мадҳини гул бонг уриб, тонгларда дoston айласин.

Элма-эл кетсин унинг дунёга ҳам овозаси,
Кўрмаганлар бир келиб, кўргунча армон айласин.

Меҳнат аҳли ҳар куни келсин бу боққа, руҳланиб
Ҳордиги чиқсин тамом, завқини дармон айласин.

Ёзда келса тутгуси бу боғни гулларнинг ҳиди,
Ҳид хумор айлаб, келишга аҳду паймон айласин.

Ҳар баҳор йўқдир элимда бир кўчат ҳам экмаган,
Богшуноским ҳар кўнгил элни гулистон айласин.

Яйрамаслар кам эрур, ўз ҳовлисига гул экиб,
Бас, уйин гулгун этиб, аҳдини чандон айласин.

Гул экиш ҳам парвариш айлашни Воситдан сўранг,
Ҳар киши ўз қалбига ибратни мезон айласин.

1985 йил.

ЭЛГА ЭЛ БЎЛ

Уй гули бўлмади гулим, эл сайр этиб бўстонга чиқ,
Очилур кўнглинг бутун чехранг очиб ҳарёнга чиқ.

Хушҳаволи ерда бўл, юртимда кўп бундай макон,
Тоғдайин руҳим баланд бўлсин десанг Чимёнга чиқ.

Иш билан уй манзилинг, ҳеч ўзга ерда кўрмадим,
Айланиб шаҳримда юр, ғайратга кир, жавлонга чиқ.

Кўрмагансан қанча оромгоҳларим бор сен ҳали,
Бир бор ёзгил ўзинг, рангингга чиқ, дармонга чиқ.

Кенг бу олам, ҳар томонга йўл очиқ гар истасанг,
«Ту»да парвоз айла яйраб, юксалиб осмонга чиқ.

Сен, гулим, узлатни қўй, бу айрилиқ Лайлига хос,
Тенг топарсан, ўзни кўрсат, товланиб майдонга чиқ.

Элга эл бўл, завқи сел бўл, Восит, ол жой даврадан
Жўраларга жўр бўлиб, кутлуг зафар карвонга чиқ.

1985 йил.

УЛУҒ ЮРТ

Ҳеч кимса, мана, қолмади хешу табаримдан,
Бағрим қуядир сўзласам ушбу хабаримдан.

Кўнглимни кўтаргуси умид чашмаларим бор,
Бу дилбандлар эрур эъзоз умри самаримдан.

Кўнглим ардоғида яйраб, ўсди, камол топди,
Келди бу саодат менга ҳаёт зафаримдан.

Бўлсам уни мен арзийди парвонаси ҳар дам,
Берган менга кўп шуҳрату обрў шаҳаримдан.

Умрим ижод била мазмунли ўтар хушҳол,
Бас, қилмас айру мени, илҳом саҳаримдан.

Ёр меҳрини, уй меҳрини кўнглимга солганким,
Порлайди улуғ юрт меҳри ҳануз басаримдан.

Бахш этдим ижодимни Ватан шаънига, Восит,
Меҳримни топарсиз ҳар бир ёзган асаримдан.
1985 йил.

ҚУВОНЧИМ

Қувончим ортадир ҳар дам злу дўстим омон кўргач,
Ҳамон кўнглим мени яйрар азиз бир жонажон кўргач.

Очиқ кўнгил, юзим-чеҳрам етук инсонга ҳар доим,
Бузилгай роҳатим суҳбатадо бебурд, ёмон кўргач.

Бутун қиш фасли омода бўлиб қайтганда қушлар ҳам,
Қувончи бир жаҳон бўлгай уйин дохуломон кўргач.

Урушнинг шарпасидан ҳам тушар даҳшатга жонларким,
Не бўлгай уй, элин вайрон, бузилган беомон кўргач.

Саёҳатда кўриб не-не гўзал кошона, бинолар,
Уларга қўнамсин гард ҳам дегайман мен жаҳон кўргач.

Замондошим тилар юртимга кўркамлиқ билан тинчлик,
Ёмон турмушга тоқатсиз, улар яхши ҳамон кўргач.

Ғариб, муҳтож яшашни истамас халқим фаровонким,
Дегай ҳеч қайтмасин ўтмиш, гўзал ҳур ошиён кўргач.
1986 йил.

РИВОЖ

Тўғри йўлга тушди элким, келди ҳар ёндин ривож,
Топди ҳар ишчи, ҳунарманд ички имкондин ривож.

Ҳамма касбига муҳаббат қўйса, ишким соз бўлур,
Чунки келгай ҳар бир ишки меҳру имондин ривож.

Ким ҳунарлар ишлатиб, аъло сифат маҳсул берур,
Ҳар маҳоратга келур зўр аҳду паймондин ривож.

Берма ўзни қайгу, ғамга, тут тетик руҳингни сен,
Кори боринга сира келмайди армондин ривож.

Қўкка етди юксалиб, кенг ерга сиғмай фан бугун,
Келди қут фан оламига қутлуғ осмондин ривож.

Курра ўзгарди тамом тош давридан бу чоққача,
Ки улуг дунёга ҳам ҳар дамда инсондин ривож.

Бунданам олам гўзал, Восит, бўлур келгусида,
Янги авлодларга келгай яхши даврондин ривож.
1986 йил.

СИНОВ

Эларо ҳар кун эмаским, сенга бу ҳар он синов,
Элга кир, бўл яхши бирла, бермасин армон синов.

Ўзлигингни бой бериб қўйма, кейин тиклаш қийин,
Қўйганинг ҳар бир қадам ҳам сенгадир, э жон, синов.

Эгри йўлга сен кирибким элда бадном бўлмасанг,
Мўътабарсан ҳар кўнгилга, ўтди де, шодоқ синов.

Эслагай ҳар яхши одамни элим кўз юмса ҳам,
Чунки бергандир улар элга беармон синов.

Бу жаҳонда йўқ назарга кирмаган бир иш ҳануз,
Сенга ишқу оила қутлуғки, бефармон синов.

Ўз ўзинг бирла бўлиб, уй, дўстни сен қилгач унут,
Ўйлаким сен қолдинг элдан бермайин имкон синов.

Эл билан одамлигинг, ҳеч чиқма, Восит, бағридан,
Шунда бергай сенга эл оламча эрк, унвон синов.

1986 йил

ЯХШИ БҮЛ

Берма ўзни ғуссага, бўлсин десанг жоним омон,
Бу ҳаёт, билсанг, аламликларга доим беомон.

Ўзни тут, ўзликни бермай, хом хаёл, хулёга сен,
Гар унинг сеҳрига тушсанг, соврилур тез хонумон.

Сен талаб аҳлига ёндошмай, юрарсанким, бу дард,
Айлагай элдан жудо, айлаб сени бир нотавон.

То тирик одам ҳануз кўргай тириклик корини,
Юрсанг ўзни билмайин, хуш кўрмагай давру замон.

Шундай иш қил, келсин элга сен билан ҳам шон, шараф.
Меҳнату одоб билан инсон азиз, билгил ҳамон.

Бўлма очкўз элда Мудбир, бўл ҳалол Муқбил каби,
Ким хиёнат қилса дўстга, топмас элдан альюмон.

Элнинг оғзига тушгайдирсан, ҳамиша яхши бўл,
Сен ҳам ўз ҳиссангни қўш, Восит, обод бўлсин жаҳон.

1985 йил.

КАМ-КАМ

Меҳр қўйсанг, топарсан эларо сен ошно кам-кам,
Анингдекки, бўлур тикка ҳар уй, ҳар бир бино кам-кам.

Ўтиб ер бағрида йилларки, тош ҳам дурга айлангай,
Сабр, меҳнат била ҳар ким топар элда наво кам-кам.

Севиб бир гулни қилсанг парвариш, гулзорга имон бу,
Бўлур уй саҳни ҳам кўзга ажойиб дилрабо кам-кам.

Ўзинг юртингга содиқ, пок эсанг сенга алам қайда,
Камол кўнглингда топгайким меҳр, орзу, вафо кам-кам.

Етук соҳиб ҳунарликда ўзингни шон билан кўрсат,
Кўриб юртинг дегай таҳсин, бўлиб сендан ризо кам-кам.

Ҳаётхон бўлгасен аста-секин сен ҳам ҳаёт ичра
Бўлур кўп аҳли санъат ҳам гўзал, нозик адо кам-кам.

Қўл урсанг сен қаю ишга шошилмасдан чиройлик қил,
Бўлурсан эларо машҳур ки, Восит, хуш ҳаво кам-кам.
1985 йил.

АЗИЭСАН

Бўлиб орзулари кулсин эл ичра комрон ҳар ким,
Билмасин ҳеч ғам нима, қайғу нима, шодмон ҳар ким.

Эл бўлиб обод баҳордай, ҳусни ортар бегумонким,
Тириклик корини қилса, севиб токи омон ҳар ким.

Чехрасига бир гўзаллик қўшса юртнинг ким, шубҳасиз,
Тиклагандек бўлур гўё жаҳон ичра жаҳон ҳар ким.

Кўнгил нозик, назокат бирла ёндошгил унга ҳар чоғ,
Кўнгилларга кирар нозик адо, ширинзабон ҳар ким.

Ҳаёт. ташвишларин енгиб, курашганлар тирик элда,
Бунингсиз ўлса гар бўлгай ғарибу нотавон ҳар ким.

Табиат бирла элнинг бағридан сен чиқма, инсонсен,
Шу ойинга амал қилса, ўтар умри равон ҳар ким.

Ёмонга чиқмади номинг, азизсан эларо, Восит,
Бўлур ҳурмат билан элда азиз, соҳиб замон ҳам ким.
1985 йил.

ДАВРОН

Мард эса ким мард каби эркин юролгай элда у,
Ҳур замондошлар мисол даврон суролгай элда у.

Ким даврга ҳамнафас ташлар замон бирла қадам,
Эртасин ҳам бемалол равшан кўролгай элда у.

Не деса одил ҳаёт, бўлган ютар ҳозир жавоб,
Тенгларидан бўлса пешким, эш бўлолгай элда у.

Ўз сўзида турмаган зотларда бўлмас эътибор,
Аҳдини ардоқласа соз, ғоз туролгай элда у.

Қочмаса меҳнат, талабдан ким азиз иқболга ёр,
Ҳам ҳаётин даври монанд зўр қуролгай элда у.

Баркамол одам, ҳаётда билса гар ўз қадрини,
Ўзгалар қадрини ҳам чандон билолгай элда у.

То ҳаёт, Восит, ҳаёт қадрини билмоқ эътибор,
Шунда лойиқким ўзига жой ололгай элда у.
1985 йил.

БИА

Сен одам эрсанг, ҳаёт тарзини бил,
Сенга жонбахш бу юрак арзини бил.

Энди элда сен камол ёшидасан,
Ўз элингга ёшлигинг қарзини бил.

Ибрат ол, зеҳнинг югуртиб элга сен,
Ҳар дам одамийликнинг ўз фарзини бил.

Ўз-ўзидан бўлмагай ҳар уй гўзал,
Ўз уйинг ободлиги, файзини бил.

Бир ҳунарда баркамол гар бўлмасанг,
Йўқ ўрин элда, ҳунар созини бил.

Дўст тутинсанг ким билан, энг аввало,
Сен унинг кир меҳрига, розини бил.

Қўйма, Восит, ўзни дўстан сен баланд,
Одамийлик расми, эъзозини бил.

1985 йил.

АРМОН БЎЛМАСИН

Қайгудан ҳар дил халос бўлсин, юрак қон бўлмасин,
Қилса етсин не тилакким, токи армон бўлмасин.

Тинчлик элни ҳар қадамда боғ этар, бўстон этар,
Ки бу меҳнат жанг, уруш, қиргинда вайрон бўлмасин.

То ҳануз ўтган уруш эл ёдидан кетган эмас,
Қайтмасин у энг оғир кун, элда қурбон бўлмасин.

Мен ўша қиргинни кўрдим, кўрмасин ёшлар сира,
Гул ҳаёти соврилиб, ҳеч бағри гирён бўлмасин.

Ўзга эл, юртларда бўлдим, ҳаммаси тинчлик талаб,
Бир-бирига қарши асло эоти инсон бўлмасин.

Гуллади қирқ йилдан ортиқ тинч бўлиб эл, беқиёс,
Гулласин яшнаб яна, зулматли осмон бўлмасин.

Эл яратмоқ истагида тинчлик истар, қутлуғ иш,
Бу тилак, Восит, сира жангларда пайҳон бўлмасин.
1986 йил.

ИТТИФОҚ

Менда ҳар чоғ кайфият бирла табиат ҳам тароқ,
Бунга боис тўғри сўзу энг ёруғ юз, кўнглим оқ.

Элга мен огуштаман, иқболга ҳам пайвастаман,
Шодлик билан орастаманким ҳануз ғамдан йироқ.

Мен шинам, обод Ватаннинг ўғлиман, ҳар тунда ҳам -
Йўлларим равшан, ёнар юлдуз ҳисоб минг-минг чироқ.

Севгидан кўрдим вафо, кўнглим тетик, руҳим баланд,
Нечаким шайдо маҳал кўрсатмади ёрим фироқ.

Қанча йил ўтди, ширин турмушда бўлдик жонажон,
Ўртамизда бўлмади ортиқча ҳеч жанжал, нифоқ.

Жўралар ҳам яхши, юртда бизни қилгайлар ҳавас,
Бизга берди бу вафолик севгини эл, иттифоқ.

Розиман мен ўз ҳаётим, ҳурматимдан шунчалар,
Бўлмагай, Восит, умр оламда бундан яхшироқ.
1985 йил.

БЎЛДИМ АЗИЗ

Эларо мен камтаринлик бирла бўлдим тўтиё,
Мен ҳануз ҳар ердамен дўстарларга содик, бериё.

Ибрат олдим мен ҳаёт, оламнинг ўз тасвиридан,
Ҳеч қачон кўнглим ололмайди ўшал пуч, дийриё.

Эл, қуёш ғайрат, ҳарорат берди танмас қалбима,
Бир зиёкор бўлгани олдим илмлардан зиё.

Гар замонга ҳамнафас бўлмас экан у - ҳеч, забун,
Бир умр ҳасратдадир, даврон унга боқмас қиё.

Эл назар этса, кулар омад сенга ҳар ерда ҳам,
Бахт ўзи бағрига чорлайдир сени дебким: биё.

Сен жаҳон бунёд этарсан, эл кўзига кўрсатиб,
Ҳийла, найранглар қилур, ёлғон каромат авлиё.

Йўқ у дунёни нетай, мен бу дунё васфиди,
Эларо бўлдим азиз, тилларда номим тўтиё.
1985 йил.

НАЖОТИМ БОР

Не мушкуллар осон бўлди енгилмас куч, саботим бор,
Тиниқ кўзгу ҳақиқатким, суянчим то ҳаётим бор.

Қаёнга бормоқ истарман очиқ йўллар, равон йўллар
Менинг руҳим баланд этган Ватанда эрк, қанотим бор.

Бу оламда ўз ўрним борлигидан фаҳрим осмонча,
Оғир кун келса бошимга, мудом элдан нажотим бор.

Қаю бир ишга қўл урсам, ўсар кўнглим бўлиб бунёд,
Йўлимдан ҳеч адашмасман, заковат - бой бисотим бор.

Ҳаётимда алам, қайгудан ортиқ мен қувонч кўрдим,
Саромад бағри дарёман, қаён борсам нишотим бор.

Ҳасадгўй - бағри бир саҳро, ҳаётида самар йўқдир,
Менинг бир уй эмас, кўнглимда ҳам дилбар жиҳотим бор.

Элим содиқ, ижодимни севар ардоқ билан доим,
Қолурман элда, ёдгорим, азиз кўп куллиётим бор.
1985 йил.

ХУШҲАВО

Шукурким, мен қутилдим кетма-кет келган жафолардан,
Тўйиб мен баҳраманд бўлдим губорсиз хуш ҳаволардан.

Кўнгил ғашлик тамом кетди, мусаффолик келиб чунким,
Чекиб дардини сўнг қўл силтадим мен бевафолардан.

Юзим равшан бўлиб эл олдида, энди очиқ чеҳрам,
Халос этдим ўзимни бари беюз, беҳаёлардан.

Ширин оҳангу куйлардан эдим бебаҳра кўп йиллар,
Мақом кўнглимни яйратди, қутилгач бенаволардан.

Кирди бағримга ҳаловат - юз турфа оромлар бугун,
Йироқ бўлгач, у оромсиз қашанг кайфу сафолардан.

Дағаллар ичра қалбим тоқ эдиким, беҳабар ўздин,
Ширин сўз тингладим охир кулиб, нозик адолардан.

Менга Восит, бугун шодлик, бугун санъат эрур ҳамдам,
Қувончим шу: вафо кўрдим ҳақиқий ошинолардан.
1985 йил.

РОЗИМАН

Розиман токи ҳаёт давримнинг бу давронидан,
Ўргилай юртимнинг берган менга кенг имконида.

Илму ижод заҳматин чекдим роса бардош билан,
Қайга борсам дилраболик, чиқдим илҳом конидан.

Мен ҳаётхон бўлдим кўнглимга бир жўр изладим,
Топдим охир бир муҳаббатгоҳ элим бўстонида.

Энг ёруғ юлдуз, ёруғ юзларни кўрдим элда мен,
Юрмадим толеъни излаб, юртни мен осмонидан.

Қолди жанг майдонида жонин фидо қилганлари
Қайтди кўплар шон, зафар бирла уруш майдонидан.

Ўтди умрим тинчлигу дилбар ҳаётнинг мадҳида,
Ўзмайин ҳеч элни ғам, андуҳидан, армонидан.

Не тилак, иш бўлса бер буйруқни, Восит шай ҳамон
Чиқмагай қутлуг Ватаннинг хоҳишу фармонидан.

1985 йил.

ЭЛИМ ҚУТЛАБ

Қилиб ижод, элим қутлаб, ҳануз кам бўлмадим, дўстлар
Тушиб руҳим, кўнгил ғашликда пурғам бўлмадим, дўстлар.

Юзим эл олдида доим ёруғ, бу ифтихоримким,
Киборларга згиб бошим, мудом хам бўлмадим, дўстлар.

Мен ўзимни элга тутдим, қатра қилмасдан! димоғ,
Кўрсатиб манманлигим элга там-там бўлмадим, дўстлар.

Давраларда сўзладим мен бор тилнинг одоби билан
Шул сабаб, суҳбатда кўнглим уйиб нам бўлмадим, дўстлар.

Унга интилдим ҳамиша, орзу қилиб сурмай хаёл,
Мен ҳаётхонликда ҳеч хотиржам бўлмадим, дўстлар.

Сўзни чертиб-чертиб ишлатдим ғазал ёзганда мен,
Эзмаликка йўл бериб, сўзда ўктам бўлмадим, дўстлар.

Йўқ айб орзуга, Восит, деб, урдим чордевонга қўл,
Шу орзу кўйидан форуғки, бир дам бўлмадим, дўстлар.
1986 йил.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Менга ўз эътиқодим йўлчи юлдуздир, ҳамон иршод,
Шу боис йўлларим равшан, кўнгил ҳам серқувончу шод.

Ўзни қайғуга бермасман, енгишга журъатим бордир,
Ишончим қудратимдурким, қилурман келса ғам барбод,

Келур дунёга одамлар гўзал қилмоққа оламни,
Мен ҳам оро бердим унга, уйим ободки, эл обод.

Бир туз ичган уйга захрим сочмадим хону нон ҳаққи
Элим ардоғида ўсдим, менга эл севмаганлар ёт.

Оққўнгиллик, беғуборлик билан инсон эрур инсон,
Ҳалоллик бирла авж олгай қалам аҳлида ҳам ижод,

Киноя, лутфу кулгу ҳам ҳазил ўз ўрнида дилбар,
Ўринсиз кулгидан яхши эрур минг қилганинг фарёд.

Ёруғ юзманки, озор бермадим, Восит, бировларга,
Элу дўстларни қошида ҳижолатдан тамом озад.
1986 йил.

ДИЛДАН ЖАРАНГЛАБ

Севгидек дилдан жаранглаб чиқмаса, ашъор эмас,
Ёрсиз айтган билан ҳар қанча у ёр-ёр эмас.

Ҳар кўнгилда бир яшаргай ишқ ҳаётдек қаримас,
Ҳар фаслда авжи бирдайким, баҳорга зор эмас.

Ишқ ўзи мангу баҳор, кетмас баҳордай гул очиб,
Ҳар юракнинг ишқи ўзга бир чаман, такрор эмас.

Ёш гўзал, юз, кўзга суртиб, турли ранг пардозламанг,
Бу чирой ёшликча бўлмас, рангли юз дилдор эмас.

Қомату гул чехрага монанд кийим қўшгай ҳусн,
Бир бичимсиз тору кенг кўйлак сира даркор эмас.

Яхши одобу алоқанг эларо ҳуш бўлмаса,
Сийратингга бир қараб, билмоқ сени душвор эмас.

Ҳар тирик жон эътибор, обрў билан эл сониди,
Йўқса, Восит, йўқ ҳаётда, унга ҳар ким зор эмас.
1985 йил.

ЯХШИ ОДАТ

Бўлди турмоқ тонг билан энг яхши, дилбар одатим,
Тонг сўлим, қушлар овози менга руҳбахш роҳатим.

Тонг шивирлар, жон қулоғинг бирла тингла яхшироқ,
Шу шивирдан ортадир кўнглимда ҳар кун ғайратим.

Мен табиатдан ўргандим ҳар гўзаллик тафсири,
Бир жило берсам ғазалга сўзда шулдир санъатим.

Шеърда тасвирим табиатдай, баҳордай чиқса гар,
Ҳар кун ортиб, сел каби бўлгай ғазалга рағбатим.

Ўзмаган кун мен ғазал кайфиятим бўлмас сира,
Кайфият не, ҳис этарман ўзни йўқдай сиҳатим.

Қасб эмас шоир ишиким, сўз - бу санъат коридир,
Гоҳ узилгай янгилик излаб, тополмай тоқатим.

Мен ғазал бирла туғишган, ундан айру йўқ ҳаёт,
У менинг, Восит, жаҳонда топган обрў, давлатим.
1986 йил.

ТО ҲАЁТСАН

Келдими селдай бўлиб илҳом сира жой танламас,
Севги ҳам тушган кўнгилдан ўзга дилни хоҳламас.

Сол қулоқ, қалбинг берар ҳар ишга олдиндан хабар,
Ҳис билан туйғу сени овора қилмас, алдамас.

Ихтиродек кут, одамда бордир олдиндан сезиш,
Лек йигит туйғуда қиз қалбин башорат айламас.

Бўлса сенда бир ҳавас, орзуга айлантур уни,
Бўлмаса бермас муродиңгим, камол топмай ҳавас.

Бошлама ҳар ишни сен бир чоғламай, аҳд айламай,
Келтирар ғайратга ҳар инсонни аҳди ҳар нафас.

То ҳаётсан, эй замондош, сен яша орзу билан,
Ки бўлур дилбар ҳаётинг у билан гул беқиёс.

Элда топдим бунчалик ўрнимни, Восит, минг шукур,
Бу мақомга етмагай ким олдинни бўлса кўзламас.
1985 йил.

ИЛОЖ

Чарчадим руҳан жуда, мен бир илож қилсаммикин,
Боиси ҳорғинлигим неданлигин билсаммикин.

Меҳнатим, ижод, хаёл заҳматлари ортиқ жуда,
Мен қаламга дам бериб бир неча кун турсаммикин.

Ё ҳаво алмаштириш кўнглим ёзар сайр айласам,
Яхши бир хуш манзара тоғ бағрига борсаммикин.

Ёки сирдош яхши дўстлар суҳбатин кўмсар кўнгил,
Рав бориб дўстлар билан шеър баҳсини қурсаммикин.

Ёки гашлик тарқалар ёшликни бундоқ эсласам,
Ёшлигимнинг завқидан яйраб амал олсаммикин.

Уйқу ҳам минг бир бўлак, қийналарман тунлари,
Ўлтиришни тарк этиб, ёзиб чигал юрсаммикин.

Қариликдан бу бари тушқунлигу ҳорғинлигим,
Алдаб-алдаб ўзни, Восит, шеър ёзиб кўрсаммикин.
1985 йил.

БАҲС

Ўзим бирла ўзим ҳам ўй суриб аҳён қилурман баҳс,
Чувалганда фикр, излаб чигал, чандон қилурман баҳс.

Ҳаётини кўп муаммолар чиқар гоҳ давра суҳбатда,
Ечилмас ҳеч муаммо йўқ дебон, ҳар он қилурман баҳс.

Фазо даврида тезкорлик фазовий бўлмоғи даркор,
Бўлайлик шунга мос биз ҳам дебон обдон қилурман баҳс.

Қазир чоҳ дўстига кимдир, бу инсон шаънига ётдир,
Замонга бу қабоҳат ёт дебон аён қилурман баҳс.

Ярашгай ҳар замондошга очиқ чеҳра, ширин сўзлик,
Дилозор бўлса ким, дерман: эмас инсон, қилурман баҳс.

Қадам қўйса замон бирла бўлибким ҳамнафас ҳар ким,
Етиб орзуга билмас, деб, у не армон қилурман баҳс.

Муродга интилиб, етдимки, мен кам бўлмадим элда,
Етар, Восит, киши орзуга, деб, ҳар он, қилурман баҳс.
1986 йил

ДАРЁ ҲАЁТ

Хону монинг кетса кетсин, эътиборинг кетмасин,
Доғда бир кун қолдириб, эрк, ихтиёринг кетмасин.

Бос оёгинг сен замон руҳига мос, бардам кўнгил,
Бўлма даврингдан йироқким ўз оҳоринг кетмасин.

Ўзгалар айбин кўрарсан сен ўзда нуқсон илғамай,
Кўр ўзингда аввало айбким, мадоринг кетмасин.

Кетса бир иш орқага, ўрнига қўймоқлик қийин,
Ишқилиб сендан ўшал омад, бароринг кетмасин.

Сўзда турмасликни одат айлама, бурдинг кетар,
Сақла доим ўзда у аҳду қароринг кетмасин.

Уйда сен ҳушчеҳра бўлгил, сочма қаҳринг ҳар куни,
Ҳаддан ошсанг, айлаб армон интизоринг кетмасин.

Восито, дарё ҳаётким, бўлмас текислик унда ҳеч,
Қайғуларга берма ўзни гулбаҳоринг кетмасин.
1985 йил.

БИР ШИРИН

Кўзни равшан истасанг, кир, боғ ила бўстонни кўр,
Гар кўнгил чоғлик тиларсан, сайр этиб, ҳар ённи кўр.

Бир ширин суҳбатга сен гар ташналик сезсанг, бориб,
Дилкушо тил, кўнгли бир шодликталаб ёронни кўр.

Ер сенинг бойлик, ҳаётбахшинг, уни қил парвариш,
Бағрини этган чаман санъатли бу осмонни кўр.

Дўстларинг сўз бердими, айлар адо ўз вақтида,
Ибрат ол, бу яхши хислат, аҳд ила паймонни кўр.

Ҳар бир инсон тош кўяр ўз иқтидорига қараб,
Янги-янги ер, шаҳар, қишлоқда зўр давронни кўр.

Бор умрдан рози бўл, сен ҳам яратдинг бир чаман,
Восит, элда қўлма-қўл юрган суюк девонни кўр.

1986 йил.

НОМИНГ ТАРАЛСИН

Шундай иш қил эр эсанг, номинг таралсин эларо,
Сен яратган нарсалар аъло саналсин эларо.

Ҳар бир инсон айлагай оламни обод то тирик,
Сен билан ҳам бир гўзал бўстон яралсин эларо.

Шундай ижод эт, табиат унда бўлсин сайқалинг,
Энг гўзал санъат асар бу деб қаралсин эларо.

Қилгудек оламга кўз-кўз бўлмаса юрт, юрт эмас,
Айла бунёд эзгуликлар, кўз-кўз бўлолсин эларо.

Ким яроқли бўлмаса эл корига, одам эмас,
Кўрсатиб иш мард эса, доим синалсин эларо.

Юрт чиройига чиройким қўшмагунча ҳайф умр,
Кўтариб бош юргани доим уялсин эларо.

Ким емас элнинг ғамин, Восит, эмас хушёр ўша,
Куйдириб жон элга ҳар чоғ мард саналсин эларо.
1985 йил.

ҚАНОТИНГ

Орзу қилсанг, унга интил, тутиб сен эътиборда,
Орзусизлар қолғусидир эларо чанг, губорда.

Бабурдликни йўлатмайин десанг агар ўзингга,
Эл олдида бўл ҳамиша қатъий аҳду қарорда.

Замон сенинг қанотингким, айру тушма замондан,
Бутун зеҳниятинг бўлсин эл ташлаган ширда.

Меҳнат нони ширин жуда, ўрганмагил текинга,
Ҳеч бўлмасин кўзинг ўйнаб, теварақда, шикорда.

Чиройига чирой қўшиб юр, элингда мард бўлиб,
Замондошим, жарангласин номинг фахру виқорда.

Олдинроқдан ўйла ишнинг ривожини билиб сен,
Баҳорни ҳам изла интиқким тизза бўйли қорда.

Амал-илҳом пари, Восит, шоирда ҳам ҳар йили,
Уйғонади табиатдай кўзин очиб баҳорда.
1985 йил.

МИСАН БОҒ

Боз яшаш орзуси қайнар ки ҳаётинг мисли боғ,
Боққа ҳам меҳнат керак, кел, айла сен тоқатни тоғ.

Келмаган иш йўқ қўлингдан, сенда хоҳиш бўлса бас,
Инсон истеъдоди, билсанг, кўнглида минг кўз булоқ.

Шул сабаб олам, табиат унга таъзим айлағай,
Аҳли дунёни гўзал қилмоқ учун равшан чироғ.

Инсон умри борича қилган сари обод элин,
Ким кўриб ўз меҳнатин кўркини ҳар дам вақти чоғ.

Ўзни кўрсатмас бино бирла ишин кўз-кўз қилиб,
Эл қатори камтаринким, унга бегона димоғ.

Шундай инсонлар Ватан ардоғида топгай камол,
Восито, сен ҳам қўшил, шу жумлага кел, эртароғ.
1986 йил.

КЕЧ

Элга кирмоқ истасанг, сен ёмон кибру ҳаводан кеч,
Кўнгли ҳасрат билан тўлган умидсиз бенаводан кеч.

Баъзилар кўрганда дўстдир, сўнг изламас бегонадек,
Эмас бир сўз, ўзи, ашъори ҳам ёлгоннамодан кеч.

Вафоси ҳудди ёлгон тонг эса, сен яхшилик кутма,
Агарким қилмиши бўлса зарар, у ошинодан кеч.

Ўзин тенг тутса сен бирла, уни жон дўсти деб билгил,
Тақаббур, беқиёс манман эса, ул кибриёдан кеч.

Ҳавойи бир шамол сўзга эмас, мантиққа парво қил,
Ки, равшанмас экан кўнгли ҳануз, у зимзиёдан кеч.

Агар бир сўз десанг, чиқ устидан элга кулги бўлмасдан.
Кўнгилни овласанг чин овла, сен ёлғон, риёдан кеч.

Топарсан эътибор, Восит, бообрўлар билан юрсанг,
Тўкар эл ичра обрўингни шилқим беқиёсдан кеч.

1986 йил.

СЎЗЛАШ

Ўзингдан катта оқиллар суҳбатин топ, қониб сўзлаш,
Жаҳон асрорини андоқ билурсан, у билан ўзлаш.

Тирикликдан мурод юртга садоқат бирла хизматдир,
Элинг равноқини дўстлар билан тотув бўлиб кўзлаш.

Агар бўлсанг ширинсўз, хуш алоқа, эларо борсан,
Ўзингдан ёш билан ҳам сен демасдан доимо сизлаш.

Ўзингни ўйламай ҳар дам, бўлақлар қисматин ўйла,
Оғир аҳволда қолган дўст билан бирга нажот излаш.

Хато қилган эса кимдир юзу хотир дема, лекин,
Бировни сиртидан ҳеч сўз демай, сўзлаш учун юзлаш.

Кўзинг бирлан эмас, ҳар ишга ёндош кўрсатиб ғайрат,
Агарда иш юришмай қолса, ҳамкасблар билан бўзлаш.

Ўзинг четда қолиб кетма, Восит, юз қаролик бу,
Замондошлар билан сен ҳамнафас бўл, тенг қадам ташлаш.

1986 йил.

ТУШМАСИН

Кўнгил мулкига тиларман тушмасин ҳар дам қиров,
Тушса тушсин шабнам, асло тушмасин ҳеч ҳам қиров.

Дилни дилдан айлағай ҳар чоғ совуқликлар жудо,
Тушса майли ўт юракка, тушмасин пурғам қиров.

Ёғмасин ҳеч қор қобоқлардан, кўнгилни ғаш этиб,
Чеҳралар турсин кулибким, тушмасин музлам қиров.

Сен совуқ сўзлардан ўзни асра, бўлма ҳам нишон,
Оғритар кўнглингни, ундан тушмасин музнам қиров.

Одат эт сен яхши сўзликни ҳамон эл олдида,
Бунча муз деб эл сени ҳеч тушмасин бирдам қиров.

Битта гапдан қолганинг бирла обрўйинг кетмағай,
Эҳтиёт айла ўзингни тушмасин кам-кам қиров.

Элда топди эътибор ҳар ким ширин сўз, тўғри гап,
Ҳар мақомга тушма ҳаргиз, тушмасин илдам қиров.
1986 йил.

РАФИҚ

Соғинишдан ўртанурман, жон рафиқ,
Ўйламоқдан бўлди бағрим қон, рафиқ.

Ўтса бошим устидан кўк қушлари,
Келди деб кўнглим учар ҳарён рафиқ.

Давра суҳбат, анжуман сенсиз қани,
Эслагайман ўлтириб ҳар он рафиқ.

Билдим энди энг яқин дўст қадрини,
Одатингча бўл келиб меҳмон, рафиқ:

Қайт саёҳатдан омон, пешвоз чиқай,
Сенда асло бўлмасин армон, рафиқ.
Сен билан ҳар мушкул осондир менга,
Бирга ишлаб ким, қучайлик шон, рафиқ.
Биз яратган нарса кўп, соз бўлса бас,
Тезу соз маҳсул талаб даврон, рафиқ.
Қўймайин миннатга бошни, Восито,
Ишла соз, аъло десин чандон, рафиқ.

1986 йил.

УЙГА БОШ

Бўлсанг одам, ўзгаларга отма тош,
Пинжига ёлғон кириб, огритма бош.
Сен билан дилхушлик истар дўстларинг,
Чанг чиқарма, сен кериб суҳбатда қош.
Сен йиғиштир номуносиб ишниким,
Кексаликка ет азиз, ўтмакда ёш.
Бўлса дардинг ҳеч яширма, дўстга айт,
Оғриги айлайди бир кун дардни фош.
Оилангни қилма муҳтож, айла соз,
Энди сен энг қутлуғ иш - бир уйга бош.
Тўғри тушса қамчи, ғайратбахш эзур,
Қилма танқид, қилса дўст қийғир қараш.
Сизга, ёшлар, мен насиҳат айладим,
Иш қилинг ибратли ҳар ёш, елкадош.

1986 йил.

РОЗИ

Қилғил у ўтмишдан армон, бўлса ғам, қайғуга ғарқ,
Бўлганинг минг марта яхши соз тилак, орзуга ғарқ.

Курра уйғоқ йўлдадир, дилларда уйғоқ, бир умр,
Бир нафас ҳам бўлмағай ғафлат билан уйқуга ғарқ.

Қил ҳимоя куррани, олам юрак берган сенга,
Бўлма жонинг кетгудек бўлганда ҳам қўрқувга ғарқ.

Энг оғир кун келса ҳам бардош билан энгил уни,
Ўзни урма ҳар томонга, сен бўлиб қутқуга ғарқ.

Яхши ҳислар, сезгилар бу - бор гўзаллик элчиси,
Майли бўлсанг бир умр энг дилрабо туйғуга ғарқ.

Келдинг оламга ўқиб, оламини бил, тарихни оч,
Шу таманно бирла бўлсанг, рози эл, билгуга ғарқ.


Сев ҳаёт, халқингни, Восит, ўзгача қилмай ҳаво,
Ҳар қачон бўлган ютар олам каби орзуга ғарқ.
1985 йил.

ТАВАЛЛО

Ёр эмас у, сенга ўз меҳрини пайдо қилмагач,
Бир қараш бирла сени ўзига шайдо қилмагач.

Юрма ортидан унинг жонингни қийнаб изма-из,
Ўтса ҳам у ёнгинангдан сенга парво қилмагач.

Ўз гуруринг, эътиборинг сақлагил, бўлсанг йигит,
Дуч келар деб йўлда, ўз бастига оро қилмагач.



Ўзни ўтга урма сенким, куйганингдан фойда йўқ,
Сенга меҳрин кўрсатиб, меҳринг ҳувайдо қилмагач.

Кўрмагандек ўтса ёнингдан ўшал шўх, бағри тош,
Интилиб хўрланма унга, ўзни лайло қилмагач.

Уз умид, жононаликни кутма ундан чиқмагай,
Дил очиб ишқин сенга яйраб тавалло қилмагач.

Сен ўзингни ҳеч овутма энг ширин ўйлар билан,
Бу хаёлни дилбаринг ким, Восит, асло қилмагач.
1986 йил.



**Восит Саъдулла таниқли адиблар Иброҳим Раҳим,
Комил Яшин билан.**



**Ҳамқалам дўстлар: (чапдан ўннга) Рамз Бобожон, Ҳамид Фулом,
Восит Саъдулла, Туроб Тўла ва Шухрат.**



Восит ака дўсти Туроб Тўла туйида.



Ғазал туғилмоқда.



**Ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари.
Ўнгдан учинчи Восит Саъдулла.**



**Восит ака дўстлари Ҳамид Фулом, Собиржон Шокаримов ва
Обоқул Эгамов даврасида..**



Тошкентлик таниқли шоир-ёзувчилар Андижон ижодкорлари меҳмони. Ўнгдан биринчи Восит Саъдулла.



Дилбар суҳбат



МУХАББАТИ БОҒИ

БУ ЧИРОЙ

Бизни еру ўзни осмон этмангиз,
Хуснингизга бунчалар беш кетмангиз.

Бу чирой фасли баҳор, келди-кетар,
Ўзни мағрурликка сиз ўргатмангиз.

Ўўзни ортиқча гурур ёғ бостирар,
Ундан асло яхшилик сиз кутмангиз.

Ким узин тутса баланд, бир кун уни
Паст қилур ҳолинки, ҳаддан ўтмангиз.

Товланиб ҳар ерда, ҳар кимга қараб,
Ноз ила ўткинчи ҳис қўзгатмангиз.

Рашк деган офатга бўлдим мубтало,
Куймайин, сиз менга рашк кўрсатмангиз.

Хуснингиз машъал, унга ўчган замон,
Қайси парвона келур, гар кутсангиз.

Восит ошиқ, сизга у парвонамас,
Чун уни сиз арзигай шод этсангиз.
1985 йил.

ВАФОЛАР

Товлаб меҳри бир кун ёр келса, қилиб вафолар,
Дарё бўлиб қувончим, дер эрдим марҳаболар.

Ўтдек қарашларидан билдим ёнибки, шунча -
Ошиқни куйдиришга ўч экан дилраболар.

Шайдолигимни зимдан билар, ўйинқароқким,
Вафо ёдига келмай, айлар менга жафолар.

Қўймади қувлигин у, олиб ўзин баландга,
Муродга зиналарму экан кибру ҳаволар.

Парвосин сезмадим мен, унинг шўх кўзларидан,
Пайқаш қийин кўнглида бор не-не муддаолар.

Дилдораларга лутфу фарзоналикдан ўзга -
Шева ярашмас, қилур қадрини бебаҳолар.

Ёр кўнглига амалдек киргай, Восит, ишонгил,
Бир кун юрак-юракдан сен қилган илтижолар.
1985 йил.

БИЛМАСА

Ёрмиди ёринг агар бу оху зоринг билмаса,
Ким биларди чекканинг дардларни ёринг билмаса.

Қийналурсан ҳар маҳал кўнглинг ёзолмай ўзгага,
Лоларанг ҳайронлигингни гулузоринг билмаса.

Ёр йўлини ҳар кун кутарсан сен, бугун келгайми, деб,
Кутмагингдан не муродким интизоринг билмаса.

Қайси кун кўз кўрдига ёр келди шотирлик билан,
Келмасин мундоқ, келиб қилган қароринг билмаса.

Келтирур у ақли йўқ бошингга дард, устига дард,
Ишқ амал олган бу чоғ кўнгил баҳоринг билмаса.

Бевафо ёрингга нисбат, ўйласам, йўқ эларо,
Ки ҳаво айлаб, сени кўйида боринг билмаса.

Кеч у хил жононадан, қилғил ўзинг, Восит халос,
Сен шу ёр деб элда топган эътиборинг билмаса.
1985 йил.

УЧМА

Жони зорим яйрагай, кўрганда кўз шаҳлоларинг,
Завқ берур, сендан ҳусн олган кийим, зеболаринг.

Сен билан йўлларда бирга юргани мен зорман,
Уш этар ҳар дам димоғим бўй бериб раъноларинг.

Шаҳраро мағрур юрарман, бунга ёрим сен сабаб,
Элда кўнглим тоғ этар қилган менга парволаринг.

Қойил ўлмасдан, нетай, донолигингга, дилрабо,
Шоштириб қўйгай мени сўз қудрати - маъноларинг.

Бу жаҳондаким етиб сўз қадрига сўзлаш қийин,
Қандайин етсин тубан, агёр деган аъмоларинг.

Учма ширин сўзга кўп, жоним, уларнинг рости йўқ,
Ёр, адашма, мандан ортиқ бўлмагай шайдоларинг.

Севганимдан куйдириб жон сўз дедим, Восит, гувоҳ,
Лойиғингни топдинг, ўртоқ, дер ҳама ошноларинг.
1985 йил.

МАДХИНГ ҲЭГАЧА

Етарлик бўлди чеккан қайгулар, бас, энди қилғил шод,
Бўлай сендан иноятлар кўриб, ғам, қайғудан озод.

Сен жаҳону элни дилбар, дилрабо бўлсин десанг,
Муҳаббатпеша бўлғилким, муҳаббат бирла эл обод.

Қазиб тоғларки, кон топдим, чиқардим сув адир, чўлга,
Қилолмас бу буюк ишларни минг-минг бўлса ҳам Фарҳод.

Ботининг дилбар десам ҳам, мадҳингни қилмам эскича:
Тилинг бол, гунча лаб, гул юз, сочинг сунбул, бўйинг
шамшод.

Раҳм кўнглинга дарёдир, раҳм қилким озаймайди,
Учиб агёр мадҳига, қилмагил лекин мени барбод.

Бузма асло пок кўнгилни жононадек аҳдингда бўл,
Қилай мен ҳам сенга ишқимга содиқ дебким қасамёд.

Ки амал олгай уруғдек кўнглимга меҳринг тушса ёр,
Киргали бошла ҳаётга ҳамдам бўлиб Воситга шод.
1985 йил.

ҒАМ ИСТАМАС

Бу баҳор, э нозанин, кўнглинга ишқ уйғотдиму,
Шу муносиб ёр сенга деб, кўзингга кўрсатдиму?

Ёндими барно йигитнинг кўзлари кўргач сени,
Ё сени кўрган замон ошуфта ҳол сўз қотдиму?

Шошмагандирсан жавобига ҳаё бирла қараб,
Ё буни минг учқиниб, кўнглинг сенга ўргатдиму?

Юзларингга қон юриб, чеҳранг очилган шунчаким,
Учрашув чогида ё қонингни ёр ўйнатдиму?

Ўйчану сокин зрурсан бунча, йўқдай даврада,
Кўрмаган кун ёрни дил беихтиёр ўйлатдиму?

Сенга ёр ғам истамас, чеҳрангда шодлик кўрса шод,
Ё кўзингда минг хаёл орзуларинг қўзгатдиму?

Сен бугун ортиқча шод, Восит, тажаллий ўзгача,
Ё бугун ишқ оламида сенга ҳам тонг отдиму?

1985 йил.

СИЗНИ

Бугун бевақт келиб мен сизни ҳайрон этмагандурман,
Бузиб ўй, фикрингиз жоно, паришон этмагандурман?

Эшитдим сиз кетармишсиз саёҳатга, хабарсизман,
Кўнглингизга тегиб, мен шунча ларзон этмагандурман?

Бир кўришмай сиз билан қолганим кун, кун эмас менга,
Бирга бўлган кунлари зарра армон этмагандурман?

Нега пинҳон иш тутарсиз, солиб кўнглимга ғам, шубҳа,
Сизни тўйдургудек жондан, бир иш, эй жон, этмагандурман?

Агар сиз айтсангиз бирга кетардим мен саёҳатга,
Нечук бундай қилурсиз, сўзни ёлгон этмагандурман?

Деди: - «Ким айтди бу ёлгон, саёҳат йўқ хаёлимда,
Не иш қилсам уни сизданки пинҳон этмагандурман?»

Ёришгандай шу он кўнглим, қараб ёримга шод бўлдим,
Дедим Восит, ки билмай тасаддуқ жон этмагандурман?

1985 йил.

ЎРГАНДИ

Гуландом нозанин бўлгач, бўлиб қув, нозга ўрганди,
Ҳаво кўнгилда мавж урди, ҳашам, пардозга ўрганди.

Кирай кўнгилга дерман мен топиб йўл, кўнглини очмас,
Яширди меҳрини мендан ки, жонон розга ўрганди.

Нетай, ёр бир қарашга ор этарму ташламас кўзни,
Магар мендан кечиб у шўх бўлак дилбозга ўрганди.

Хаёли учди пайдар-пай тақинчоқ, зебу зийнатга,
Чунон ёр эркалик, шўхлик қилиб эъзозга ўрганди.

Бўлолмас элда чин ошиқ ҳарис дунёга шайдолар,
Ўзин кўз-кўз этиб дилбар, баланд андозга ўрганди.

Баҳори кетди, шайдоси ки ташлаб, у алам чекди,
Пушаймон бўлди, афсуслар билан ҳамрозга ўрганди.

Нигор энди қарар ердан менга ҳайрона афсуслик,
Келиб, Восит, унга раҳмим тилим оғозга ўрганди.
1986 йил.

ЎЙНАБ-ЎЙНАБ

Келди у ёри нозанин ёнима ўйнаб-ўйнаб,
Кўз ўйнатиб, ташлади ўт, жонима ўйнаб-ўйнаб.

Тушди юрак ларзагаким, унинг нозу жилваси -
Кирди магар аста-секин қонима ўйнаб-ўйнаб.

Айлади шайдо мени, у кулиб-кулиб ноз ила,
Билмоққа сўнг ташлади кўз кўнглима ўйнаб-ўйнаб.

Бир учқиниб мендан кўзин қочди олиб ҳар томон,
Солди назар жилвада ҳар ёнима ўйнаб-ўйнаб.

Кетди олиб ўзи билан кўнгил, хаёлимни у,
Қайта келармикан ёр бўстонида ўйнаб-ўйнаб.

Шўхлигию нозларин завқи дилимда қолди,
Келар у шўх яна ўю хаёлима ўйнаб-ўйнаб.

Қилмас, Восит, хиёнат ки ёр бир сўзли дилдор,
Қайта келур бир хуни ёр ёнима ўйнаб-ўйнаб.
1985 йил.

ЮЛДУЗИМ КЕЛДИ

Хаёлим аршида порлаб турувчи юлдузим келди,
Менга тун эрдиким ҳажри, кулиб тонг, кундузим келди.

Юрак сустлашган, урғуси озайган эрди ёримсиз,
Ҳарорат қалбима берган ёруғ, иссиқ юзим келди.

Кўнгил тортмас эди суҳбат, қувончли анжуманларни,
Ёруғлик тушди кўнглимга, ўшал ширин сўзим келди.

Чарақлаб кетди олам, кўзларимга тўлди нур буткул,
Йироқ юлдуз каби милтиллаган бир ёлғизим келди.

Тўкилган чоғ ўй, хаёлим ҳар ёнга куз япроғидек,
Ўксик дилимни чоғ этиб, баҳорим, наврўзим келди.

Нигорон кўзларим ортиқ туманлашганда қаршимга
Қилни ҳам қирққа бўлувчи чунон ўткир кўзим келди.

Қувоч қаддимни ғоз айлаб, туманлар учди кўздан ҳам,
Кўнгил, Восит, ёришдиким, чароқлаб юлдузим келди.
1985 йил.

ПАРВОНАЛАР ҚИЛДИ

Не жабру не жафоларни менга жононалар қилди,
Йироқдин кўрсатиб чехра, кейин ҳайроналар қилди.

Фирог этди, қабогидан ёғиб қор ҳар кўришганда,
Кўнгил отлиғ ҳаётимни бузиб, вайроналар қилди.

Баҳор фаслида қор ёққан каби жонон менга дилсиз,
Мени узлатнишин айлаб, ўсол риндоналар қилди.

Баланддан тушмайин жоно, ки гўё дорга интилдим,
Севинч пайваста хонамни фигур, гамхоналар қилди.

Нетай, риндлик билан дўст суҳбатидан ҳам йироқ тушдим,
Менга ҳамроҳ фақат ўю сано, афсоналар қилди.

Кулиб-яшнаб ўтар тенгдошларим йўлдан, кўзим кўрмас,
Ки, ёр ақлу ҳушимдан ҳам мени бегоналар қилди.

Қарор, аҳдинг билан, Восит, бўлиб, кўйида маҳкам тур,
Эмас бежиз, сени жоно бу хил парвоналар қилди.

1985 йил.

ХУШ КЕЛДИНГИЗ

Ўйнатиб кўзларни шўх, эй дилрабо, хуш келдингиз,
Эрди бир дийдор кўриш чин муддао, хуш келдингиз.

Қанча хизмат десангиз, эй жонажон, бош устига,
Келтирай ҳурматни мен айлаб бажо, хуш келдингиз.

Олам ичра йўқ эрур дийдорга зорликдан ёмон,
Ҳолима парво қилиб, дўст, марҳабо, хуш келдингиз.

Сиз келиб, чехрам севинч кўрди кўзим равшанлашиб,
Кўнглима монанд гўзал, нозик адо, хуш келдингиз.

Ўз қувончим сизга мен ожизман айлашга баён,
Сизга жой ҳозирладим жоним аро хуш келдингиз.

Энди ҳажру қайгудан бўлдим халос, жон тинчиди,
Офарин, сиздан бугун кўнглим ризо, хуш келдингиз.

Кўзларимга ёрқираб бир кетди олам сиз билан,
Восит, айла гул поёндоз, бебаҳо, хуш келдингиз.
1985 йил.

БАҲОРИМ

Нома ёздим ёз ҳарорат бирла ёрим соғиниб,
Даства гул қилдим шу сўздан эътиборим соғиниб.

Нома бирла кетди кўнглим, минг хаёлу ўйларим,
Тоғ бўлур ҳар чоғ умидим ўз нигорим соғиниб.

Гул юзига қўнса бир гулқуш бўлиб соғинчларим,
Тонгда булбулдан ўтардим гулузорим соғиниб.

Эсласам кулгусини, кўнглим тўлиб завқларгаким,
Ҳапқириб ўйнар юрак, зўр меҳри борим соғиниб.

Лолазор тоғ бағри келди товланиб кўз олдима,
Менга ёлғиз ўзгача бир лозазорим соғиниб.

Жой тополмай қўйгали ўзни юрарман тунлари,
Тонг мисол, гавҳар мисол энг беғуборим соғиниб.

Келур деб эрта-кеч ёрим, тошар кўнглимда соғинчим,
Ёз қилурман қишни ҳам, Восит, баҳорим соғиниб.

1985 йил

БАҲОНА ҚИЛМАНГ

Етар куйганларим ёр, ортиқ сўзона қилманг,
Саргашта бу кўнгилни ўртаб, парвона қилманг.

Келмадингиз аразми, алланечук важ билан,
Излаб баҳона, ўзни мендан бегона қилманг.

Билурман барча тенгдош яхши ишлаб ўқишди,
Ишу ўқишни, дилбар, бунча баҳона қилманг.

Аҳёнда бир келиб ҳам кўнгил очмай кетарсиз,
Куйдирмажонлар ишин, кўйинг, жонона, қилманг.

Гоҳи чақирсам йўлда, қулоқ солмай ўтарсиз,
Шубҳа солиб дилимга бу хил ҳайрона қилманг.

Ўзни агар эр билсанг, ўзгани шер бил, - мақол,
Бизни мису сиз ўзни тилла, дурдона қилманг.

Тоқатларим узилди, Восит иложин истар,
Кутмоқ билан юзимни рангсиз парвона қилманг.

1985 йил

ЖОН КЕРАКМАСДУР МЕНГА

Сенсиз, э ёр, хонумон не, жон керакмасдур менга,
Бўлмасанг сен, анда боғ, бўстон керакмасдур менга.

Не ҳаловат топқамен сенсиз ҳаёт гулзорида,
Гарчи ўрним бўлса ҳам даврон керакмасдур менга.

Сен билан пайдо бўлур кўнглимдаким, орзу-ҳавас,
Бас, жаҳонда сенсизин армон керакмасдур менга.

Тузса қизлар анжуман, ёр хусни ортар ўртада,
Турмаса ойим кулиб, осмон керакмасдур менга.

Қилмаса кўрмакни бир аҳёнда ёрим ихтиёр,
Ташна лаб, минг интизор, ҳижрон керакмасдур менга.

Ёр ишончи бўлмаса содиқлигимга, найлайин,
Унда аҳду қудратим-иймон керакмасдур менга.

Сен билан турмас эканман, бирга мафтунинг бўлиб,
Восито, кошона уй, кайвон керакмасдур менга.
1985 йил

СЕВГАНИМ

Севганим ёр гулга зеб, бир яшнаган раъно экан,
Оқила девдим уни, у аслида доно экан.

Юр, борайлик яхши жойга, деб адашдим чоғи мен,
Ҳар гўзал жойдан гўзалроқ бир ўзи маъно экан.

Юзлари ойинадан юз бор тиниқ ким, сержило,
Ўйласам, ёр дилраболик бобида танҳо экан.

Бир озода, хуш табиат, чеҳраси гул-гул десам,
Қадрини билган, ўзига шунча серпарво экан.

Хат ёзар ёдимда йўқ хуш, мағзи тўқ сўзлар билан,
Тилни хўб билган, равон пуржумла, хуш имло экан.

Ҳар жиҳатдан дилбаримда зарра нуқсон топмадим,
Ким унинг ҳарки, сўзи аъло экан, аъло экан.

Энди кўнгли танлаган ёр-ла бўлгай бир умр,
Кўрди Восит, офарин, фарзона бир доно экан.
1985 йил.

МУҲАББАТ БОҒИ

Кўзга суртиб тупроғин кездим муҳаббат боғини,
Кўрмадим келганда ҳам ёримни хурсанд чоғини.

Кўймади ёнига борсамким заҳарханда қилиб,
Тўсди йўлни сўз-тиканлар бостириб ҳар ёғини.

Тоғ кесардим айтса, лек қўл тегмаган тоғ элда йўқ,
Қилди пайдо ўртада дилдора ҳажри тоғини.

Билмадим дилбарни менга бунчалар ўзгарганин,
Не сабаб бу садди Искандар қуриб турмоғини.

Ойлар ўтди йўқ менга кўрмоқ ҳануз рухсорини,
Ким унга ўргатди, бу хилват билан юрмоғини.

Ўртада бир эгри тил бор, ҳар сўзи сеҳру амал,
Унга чоғи ёр ишонди, солди менга доғини.

Бир кунни ўз ҳолига қайтар нигоринг, унгача -
Орзиқиб кут, Восито, кўрмоқ эсанг ардоғини.
1985 йил.

МУБТАЛОМАН

Кўзда севинч, жило йўқ, жононга мубталоман,
Хануз уни кўролмай армонга мубталоман.

Зор бўлиб йўл пойладим ўтмади ёр бу йўлдан,
Толиқди кўз интизор ҳижронга мубталоман.

Кўрганда кўрмагандай бўлиб ўтар ёнимдан,
Ногоҳ дуч келса, қоши камонга мубталоман.

Кўнглин ёзиб бирор бор ёр чеҳраси очилмас,
Сурат бўлиб турар жим хайронга мубталоман.

Олиб ўзини тоғдай, бўй бермас менга асло,
Кибру ҳаволи, гўё осмонга мубталоман.

Ҳислар булоқ бўлмаса, ошиқ дема ўзингни,
Дер дил: «Мана бугун мен тугёнга мубталоман».

Ким мубтало бўлмайин ёр кўйига етибди,
Бас энди, Восит, дема: «Жононга мубталоман».

1985 йил

ЧЕҲРА ОЧМАС

Мен ҳамиша лутф эмас, кўрдим жафолар ёрдан,
Бонг уриб, кўрган каби булбул тикан гулзордан.

Йўлда гоҳи дуч келиб қолганда, оғзин пойладим,
Яхши бир сўз чиқмади кўнглим тилар гуфтордан.

Тўлмаган кўнглимни, оҳ, тўлдирди ёр ғам-ғуссага,
Не мурод эркан бу хил берган менга озордан.

Ўзни мендин бунчалар қочгай олиб, ёр эларо,
Шунча кўнгил қолдими дийдорига мен зордан.

Қош-қабогига қараб, силлам қуриб битди тамом,
Чеҳра очмас қор ёғиб, атворидан, рухсоридан.

Тилга тушдим, эларо афсона бўлдим дастидан,
Етмагандек бу, эшитдим таъналар ағёрдан.

Йўлда кўрдим қайси кун, тез қайрилиб кетди кулиб,
Тушди, Восит, қайта орзу кўнглима дилдордан.

1985 йил.

ЎРГАНИБ

Қош, қабоққа турфа ранг қўйди пардоз ўрганиб,
Бўлди бир тилликкина шўхлардин оғоз ўрганиб.

Тортиниб, минг ийманиб аввал келарди қошима,
Энди истигнога ўтди дилбарим ноз ўрганиб.

Ташлагай таҳдид назар келганда менга, вожаб,
Олдими фармонига кўнглимни хўб соз ўрганиб.

Мен фиروق, ноз деб, унга кўп зътибор бермай юриб,
Бўш кўнгилни бой бериб қўйдим, уни оз ўрганиб.

Ёрга етмоқлик менга мушкул, ҳавоси тик, баланд,
Қилди хуснин кўшқанот жонона парвоз ўрганиб.

Ҳар сафар кўрганда кўз сеҳрига ёр чандон олиб,
Истаганча ўйнатур кўнглимни дилбоз-ўрганиб.

Ўйнатиб, ўйлантириб, Восит, сени юрган гўзал,
Кўнглида борсан, чиқар йўлингга пешвоз ўрганиб.
1985 йил

ЎЗИНГ

Нур тўла, сержозиба, минг бир сеҳрлидир кўзинг,
Менга болдан ҳам ширин дилдан узиб айтган сўзинг.

Сенга меҳрим ортади кўрган сари яйраб кўнгил,
Товланишда сержило гулзордан ортиқроқ юзинг.

Мен кезарман ташна лаб боғу ҳиёбонлардаким,
Кўрмаган кун кўзларимга тўтиё босган изинг.

То хануз етмай лабимким лабларингга, найлайн
Кўзларимдан ўтгиси мисли анор лаб - қирмизинг.

Шунчалар омадлисан ёр, хусндаким тенг йўқ сенга,
Ўт кирар бағримга кўрсам, шунча иссиқ юлдузинг.

Сен мени, севдим, дединг, Воситда йўқ армон сира,
Менга қизлар ичра дилбар, хуш эрур ёлғиз ўзинг.

1986 йил

ЎЗИМ

Э йигит, кўнглингни тўқ қил, севдимки, жононанг ўзим,
Бир умр қошингда жоним жон бирла парвонанг ўзим.

Ҳар жиҳатдан баркамолим қиммат ҳашамлардан баланд,
Дурри маржон истамаким сенга дурдонанг ўзим.

Учрашувга чорлама, қўймас ҳаё, бормам мени,
Қиз ғурурин сақлаган шумликка бегонанг ўзим.

Оқ билак, инжиқкўнгил бир нозанин деб ўйлама,
Ожиз эрмас, чўрт кесар бир марду мардонанг ўзим.

Сенга интиқ бу кўнгил бор дейди доим сен томон,
Чунки васлинг кўйида ҳар лаҳза ҳайронанг ўзим.

Сен сафарга кетдинг-у, қолдим тилаб оқ йўл сенга,
Токи қайтиб келгунингча кўнгли вайронанг ўзим.

Чиқдим устун мен рақиблардан ишончим - қудратим,
Бор эрурман сен-ла, Восит, ш ўҳу шодонанг ўзим.

1986 йил.

ХАНУЗ

Куйдим, ўртандим хануз жонон дея,
Васлига етмоққа бир имкон дея.

Сабру тоқат, дер кўнгил, васлига йўл,
Ундан ўзга йўл сенга армон дея.

Мен шу йўлга кирдим-у, топдим илож,
Бўлдим эъзоз ёрга, лаббай, жон, дея.

Эркатоилар борки, ёрин қошида,
Сизга ёр, дер, ҳимматим осмон, дея.

Ёрни мафтун қилди ким ҳиммат билан,
Ишқ яралган аҳд ила паймон дея.

Берма кўнгил шундайин жононага,
Кулса у дур, марварид маржон дея.

Дур билан, Восит, топиб бўлмас вафо,
Ёр десанг, шайдоси бўл жонон дея.

1986 йил

МЕНЧАЛИК

Ўзни урмас менчалик ўтларгаким, парвоналар,
Кўнгли куйганларга бўлдим, оқибат, ҳамхоналар.

Мен ҳиёбон, кўчаларда сайр эмас, бағрим куйиб,
Ёр йўлин кутдим, бўлиб эл оғзида афсоналар.

Ён йўлақдан ўтса ҳам йўқ кўзда ҳатто илтифот,
Найлайин эл олдида мен бўлмаин ҳайроналар.

Тез учар нурдан хаёл ёр кўйига пайвастаким,
Унга боғланган кўнгил ҳар дам қилур паймонавор.

Бунча куйдирмоқ нечун, кўнглим керакку ёр учун,
Ҳеч авайлаб сўз демакни ўйламас жононалар.

Бир қараб кўздан ва ё сўздан билишни истамас,
Қийнамоқдин чекланишса, ким бўлиб фарзоналар.

Восито, қилган Навоий ҳам жафо, жабрин китоб,
Ким жафо хуш дер эмишлар то ҳануз жононалар.
1986 йил

ИЗЛАР КЎЗИМ

Бунчалик мен чехралик гул кўрмадим бўстонаро,
Унга лўйиқ мадҳу таъриф йўқ эрур достонаро.

Завқ билан излар кўзим байрам куни ўз юлдузин,
Энг ёруғ юлдуз бўлиб, порлайди у майдонаро.

Сўз кучи ожиз унинг васфига соз айлар хаёл,
Кўз хаёлдан ҳам қамашгай, ким қолиб ҳайронаро.

Сезди бир кун изма-из мен юрганимни ортидан,
Бир нигоҳи йўлда тўхтатди мени жавлонаро.
Шу замондин кўз-кўзига дуч келишдан кўрқаман,
Ёнмайин деб кўзни сақларман яна фармонаро.

Омадим бу: етди дўстлар, ким бугун юлдузга бош,
Ким кўрибди бундаин юлдузни, оҳ, осмонаро.

Толеингдан рози бўл, Восит, қошингда юлдузинг,
Сен каби юлдузлилар омадлидир давронаро.
1986 йил

ЖОН БИЛАН

Ўзга рухсор кўрмадим ёримни бу рухсорича,
Соз эмас созлар менга ўз севгилим дилторича.

Сўзласа қушлар-да тинглар сержаранг овозини,
Тенг топилмас эларо ширин-шакар гуфторича.

Силкиниб қомат қадам қўймоғига монанд йўқ, -
Ким юролмас ўзгалар шўхчан унинг рафторига.

Ўз кўзимга шунчалар дилбар нигорим, рост десам,
Бормикин бир булбулистон ёр юзи - гулзорича.

Қўп гўзаллар бор, зшитдим, тил бўлак, кўнгли бўлак,
Ўзга аҳдин сўзламас, ёримни соз изҳорича.

Мен муҳаббат авжидан тушмай ўтарман шул сабаб,
Жон билан содиқ эрурман ёрга умрим борича.

Этманг айб, қизлар, мени сиз ҳам гўзалсиз ўзгача,
Восит, ошиқки, кўринмас ўзгалар ўз ёрича.

1986 йил

ИШОН

Сен менга, жоним, ишонгил, сўзда борингман ўзим,
Қилганим аҳдимга жоно, барқарорингман ўзим.

Ўзга кўзларга чиройинг ҳеч кўринмайдур гўзал,
Ўз кўзимга лолазор дурсанки, зорингман ўзим.

Сенга боғланган кўнгил сенсиз ўзин беҳол сезар,
Ким тугаш дил рагларингга, битта торингман ўзим.

Кўзларингга кўзларим энг аввало тушган замон,
Кирди ўт қалбимгаким, қилган шикорингман ўзим.

Ҳар ёмон кўздан сени сақлашга шайман эларо,
Ўзни ерга урмаган ўз номус, орингман ўзим.

Мен вафодоринг зрурман, бевафолик кутмагил,
Истагингга рағбатим меҳри нисорингман ўзим.

Элга киргайман ҳаётим гул бўлиб, ёр, сен билан,
Чунки, Восит, жон била қилган қарорингман ўзим.
1986 йил

ЭЪЗОЗ АЙЛАГАЧ

Дилбарим созлади созким, мен вафо соз айлагач,
Бор жафо - қишдан қутилдим, кўнглини ёз айлагач.

Тўлмаган эрди кўнгил, дилбар ширин сўзлашса ҳам,
Тўлди кўнглим лутф этиб ёр дилдан эъзоз айлагач.

Минг ҳунарлар кўрсатиб, аввал менга жононавор,
Бўлмайинму ёнида парвона, дилбоз айлагач.

Ҳар, сўзу кулгусига ҳосил бўлиб тоғдай ишонч,
Ҳоли бўлдим шубҳадан, ўзига ҳамроз айлагач.

Бир жаҳон соғинч билан борсам агар ўтрусига,
Бўлмасинми сел қувончим ўзни пешвоз айлагач.

Эркалаб бўйнига қўл ташлай десам, у «ҳо» дегач,
Қўлни тортдим шод кулиб, ноз устига ноз айлагач.

Жон дегин, Восит, муҳаббат дилгинанг қон қилмади,
Етганинг орзуга шу: кўнглинг сарафроз айлагач.

1986 йил

ЙҮҚ ДЕСАНГ

Йүк десанг, бир сүз билан мен шу замон кетмасмидим,
Ким маломатларга қолмай бир томон кетмасмидим.

Бунчалар мендан совиб кетган экан кўнглинг, гўзал,
Билганимда кўнглинга бўлмай товон кетмасмидим.

Кемтилур, дерлар, пушаймонли кўнгил дарзлар билан,
Кемтишинг билсам бу хил сендан равон кетмасмидим.

Сенга юк қилмай азиз туйғуларим, шайдолигим.
Бўлсам огоҳ мен этак қайриб, омон кетмасмидим.

Ўт нигоҳим етмади кўнглинга ожизман ўзим,
Дардими сен тош бағир, кўрсанг ёмон кетмасмидим.

Ўзни хор этдим сенга, найлай, муҳаббат боиси,
Кўз очилса бурунроқ мен нотавон кетмасмидим.

Куймаган ишқ ўтида, Восит, эмас ошиқ мудом,
Бўлмаса сендан йироқ соҳиб замон кетмасмидим.

1986 йил

ВОҚИФ

Чекканим дард, гуссадин жонона эмас воқиф,
Жонона демай, ҳатто, ҳамхона эмас воқиф.

Жабрига чидаш бермай қон бўлди юрак буткул,
Хонамда бу ҳолимдан парвона эмас воқиф.

Ёр кўйида мен чандон узлатда алам чекдим,
Чеҳрамни кўриб бўлган ҳайрона эмас воқиф.

Шод чеҳра кўнгилларни гар сезмаса айб этмам,
Ғам, қайғуни зарбидан шодона эмас воқиф.

Сен чекма алам лоқайд ёнингдан ўтиб ҳамки,
Ҳол сўрмаса, дардингдан бегона эмас воқиф.

Бардош била, Восит, сен ёр кўнглига ким йўл топ,
Ишқингдан ҳали, балким, жонона эмас воқиф.

1966 йил

ХАБАР КЕЛТИР

Эй ҳаёт, ҳар тонг менга келтир хабар жононадан,
Бор умидим ёра қилган аҳду ила паймонадан.

Кутмагайман мен сира жабру жафо ёр кўнглидан,
Бевафолар чиқмаган-ку, бу гўзал Фарғонадан.

Сухбатига зор эрурман ҳар куни, ҳар лаҳзада,
Гар эшитсам бир сўзин кўнглим тўлуқ фарзонадан.

Бор хаёлу ўйларим, фикрим эрур ёр кўйида,
Нега суст деб хотиранг, сўрманг дили ҳайронадан.

Қисматида бор эса, гар ўтда куймак нежаб,
Кулмангиз деб: бефаросат, жон фидо парвонадан.

Менга қимматсиз ўшал гавҳар, жавоҳирлар ўлик,
Ёри жонимким, тирик аъло эрур дурдонадан.

Ўз кўзимга дилбару шўх дилрабо ёрим мени,
Таърифин сўрманг сира, Восит, уни бегонадан.

1986 йил

КҮРИБ

Куймаган ҳам бормикин бу лола рухсоринг кўриб,
Ким демас дийдор ғанимат, кўрки дийдоринг кўриб.

Роҳату қувват олур, жону кўнгиллар ҳар маҳал,
Кўз ололмас шул сабадан лаълу гуфторинг кўриб.

Қайрилур булбул ҳавода сен томон беихтиёр,
Кўрмагандек гул бу хил ҳусни гулзоринг кўриб.

Мантиқ аҳли лол сенинг бурролигингдан, шул сабаб,
Сўзга содиқ ёр экан дер, кўзда иқроринг кўриб.

Сел бўларди тенгларингни завқ, қувончи бегумон,
Ой мисоли даврада дилбар сени боринг кўриб.

Боғда юрсанг қомату чехрангни айлаб шуъладор,
Тўхтагай товус бўлиб ҳайрона рафторинг кўриб.

Ёр гўзал таърифдан ортиқ, ёз яна васфида бўл,
Майли, лоф, Восит, десинлар, ушбу ашъоринг кўриб.

1986 йил

КҮРСАТДИ

Менга ишқим бўлиб дурбин асл дунёни кўрсатди,
Жаҳон не, ишқи йўқларга сароб, рўёни кўрсатди.

Чарақлаб келди-ю бир кун ўшал ишқимни соҳиби,
Мисолим изласанг шу деб, баҳор зебони кўрсатди.

Муҳаббат шавқида куйган бане одамга ибрат деб,
Саҳардан бонг урувчи булбули гўёни кўрсатди.

Кўзга кўз тушганда менга ёр лутф этиб жонанавор,
Такаллум айлади чақ-чақ, гўзал маънони кўрсатди.

Яшар, яшна табиатдек амал-мен қалбингга кирдим,
Ёнурсан энди деб, парвонаи шайдони кўрсатди.

Назар сол, кўр, кечир кўздан бутун атрофни хушёр бўл,
Дебон бу дилраболикдан йироқ аъмони кўрсатди.

Элин қайғусини билмас одам, ошиқ эмас, Восит,
Деб у эл зикрида бўлган менга донони кўрсатди.
1986 йил

ОРАСТА

Ўшал бир дилрабо ишқи олиб кўнглимни яйратди,
Бўлиб ораста бир гулзор, мени завқ бирла сайратди.

Шу кундан кўзларим очди, кўринди дилрабо ҳар ер,
Менга оҳиста у дилбар ҳаёт гаштини ўргатди.

Ёниб кўйида кундан-кун муҳаббат авжига чиқдим,
Менга у арши аълодан туриб дунёни кўрсатди.

Бу дилбар боғу водийлар, шаҳарлар, тоғу денгизлар -
Сеҳрлаб ёр сабаб, бундоқ очиб қалбимни ўйнатди.

Бугун куйларга тўлган боғ мисол кўнглим баҳор янглиғ,
Мени машрабнамо айлаб, ҳаёт мадҳини куйлатди.

Йироқдан бир жило олди кўзим, ўт олди қалбим ҳам,
Кейин ғойиб бўлиб кўздан, мени ҳайрона ўйлатди.

Яна пайдо бўлиб нурдай гўзал, кўнглимга йўл топди,
Мени ўзлаштириб, Восит, ўзин ҳам менга ўзлатди.

1986 йил

КУЛИБ ТУРСА

Эмас маълум менинг ёримга бу холи паришоним,
Куяр ўт - ҳажрида қилдек бўлиб минг жингалак жоним.

Кетолмасман олиб бош ўзга ерга мен кўнгил боғлиқ,
Оқар тўлқинланиб танда гупурган бу юрак қоним.

Агар жоно келиб қошимга бир дам шўх кулиб турса,
Кетиб дардим юракдан қолмас эрди зарра армоним.

Кутарман ҳовли боғида хабар олмас чиқиб бир бор,
Кўринмас қўл билан бўққай тамоғим шўҳи жононим.

Деб эрди: сиз билан қочмоққа ҳам шайман иложсиз ҳов,
У аҳд қайда, кўринмас ойда ҳам бир аҳди ёлғоним.

Менинг давримда ишқ озод десам, бор чиқди говлар ҳам,
Қолди йўлларда парвона бўлиб, элдан уялгоним.

Агар ёр истасанг, жонни фидо айлашга шай, Восит,
Менга раҳмингни қил пайдо, гўзал, чиқмай туриб жоним.
1986 йил

НАЗАР ТАШЛАБ

Назар ташлаб, меҳр бирлан кўнгил ҳам сўрмадинг - кетдинг,
Нетай, кўнглим учун қошимда бир дам турмадинг - кетдинг.

У кун ҳам кайфиятсиз, чеҳрасиз келдинг, кўзинг ғамнок,
Очиб кўнглингни жоно, мен билан бир юрмадинг - кетдинг.

Эдим ташвишда мен ҳам ташрифинг кутмоқ билан маюс,
Ўзинг бирлан ўзинг бўлдинг, ки дардим билмадинг - кетдинг.

Нетарди менга билдирсанг, баланд руҳинг туширган ким,
Сирмиди мендан гўзал у ошкор қилмадинг - кетдинг.

Деб эдинг, мен сиз билан то дилбар ҳаётим борича,
Энди ёр қайтдингми сўздан, назарга илмадинг - кетдинг.

Юзма-юз турганда, дилбар, айт бўлса айбим бемалол,
Десам, сен айламай парво, қулоққа олмадинг - кетдинг.

Рақиб ёлғонига, Восит, ишондинг чоғи э, дилбар,
Бўлурсан сўнг пушаймон ким сўзингда турмадинг - кетдинг.
1986 йил

ДИЛНАВОЗ

Ўйнатдингиз юракни, роса дилбоз экансиз,
Ўз ҳуснингизга вола баланд парвоз экансиз.

Фасли ӯаҳорингиз бу, лаъли наҳорингиз бу,
Ўйнанг, гулзорингиз бу, завқлардай соз экансиз.

Нозни ҳаддан оширган, ошиқ дилни тоширган,
Ундан ўзни яширган, роздай эъзоз экансиз.

Меъзони бор ҳаётни, ёяберманг қанотни,
Ўйламасдан саботни, гам тўла роз экансиз.

Суринг давр завқини, ҳаётнинг ҳам шавқини,
Дилда ишқнинг ёлқини билан дамсоз экансиз.

Келдим сизни кўргани, бир дам бирга юргани,
Юрганимас куйгани, оташ андоз¹ экансиз.

Чиқабермай жаҳлингиз, келсин менга раҳмингиз,
Зўр дер, Восит, фаҳмингиз, шўҳ дилнавоз экансиз.
1986 йил

¹ Ўт отувчи.

ФАТТОН КЎЗИНГ

Этди не, барно, кўнгилни танг қилиб, ҳайрон кўзинг,
Кўрмаганлар кўнглида кўрмоқ ҳануз армон кўзинг.

Ўтди тилдан-тилга ҳуснинг тавсифи ширин-шакар,
Куйланур хатто қўшиқ, куйларда бир даврон кўзинг.

Чиққанингда сайр этиб, юксак, гўзал тоғларга сен,
Кўрган охулар-да ҳайрон бўлди, бу фаттон кўзинг.

Қилма кўз-кўз кўзларингни, кўрмасин, кўзлар ёмон,
Тегмасин кўз, эҳтиёт қил, эларо чандон кўзинг.

Қувват истаб кўзларимга, кўзларинг кўргим келур,
Кўнглима солгай ҳарорат, ёндириб хандон кўзинг.

Кўрмасам бир кун, эзар кўнглимни бир дард мижгилаб,
Соғинурман тўймайин кўрган куним жонон кўзинг.

Мен бу кўзни соҳибиман жон билан сақлашга шай,
Чунки менга куч берар, Восит, кулиб ҳар он кўзинг.

1986 йил

НИШОНИМ

Учрадим дилбарни ҳам энг нозанин дилбозига,
Домига олгач тоза ўйнатди у ўз созига.

Ердан олмайди кўзин, турсам қошида термилиб,
Ташна бўлдим сўзласа, қонсам унинг овозига.

Фасли қишдай ўртамизда мен ҳарорат сезмадим,
Кошки, етсам ўтдайн дилбарни суҳбат - ёзига.

Менга ёр ҳозирча бепарвогина, билмам, нечун,
Эътибор этмайди мен - ўз ошигин дилрозига.

Интилурман ким, нишоним васлидир, етмоқ, - умид,
Эҳтимол бўлсам муяссар шунда мен эъзозига.

Ғарқ этар бирдан иноят мавжини кўрсанг агар,
Сабр қилсанг яхшироқ, жононни лутфин озига.

Тортиниб ёнимга келди, ўргилай, ёр аҳдидан,
Олмасин ўзни яна, Восит, баланд парвозига.

1986 йил

ҚАЙДАСАН

Бир кўриндинг ташлаб ўт, айт, энди жонон, қайдасан,
Тушди-ку, шундан бери кўнглимга тугён, қайдасан.

Ҳар куни, ҳар лаҳза кўз олдимдасан орзу каби,
Қайта кўрмоқлик менга бир эзгу армон, қайдасан.

Кўрганим манзил сени бўлди зиёратгоҳ менга,
Ҳар кун изларман бориб, йўқсан азиз жон, қайдасан.

Кўзларингга қайданам дуч келди мунис кўзларим,
Интизоринг энди у ҳар дам нигорон, қайдасан.

Сенда гар бу мубтало ҳолат йўқ эрса, билмадим,
Бўлди нега менда мафтунлик намоён, қайдасан.
Тоқату бардошларим қилмоқчи бўлсанг имтиҳон,
Майли қил, тайёр кўнгилад жон бирла ҳар он, қайдасан.

Кўкда бордир, ерда йўқ асрор очилмас мангуга,
Бир куни Восит топар, бўлсанг-да пинҳон, қайдасан.

1982 йил

ЖОНИНГ ОМОН

Ҳамон ёр ҳажрида, найлай, ёшим кўздин равондир,
Чунон муштоқлигим ортиб, менинг ҳолим ёмондир.

Келиб бир лоақал ҳолим сўраб кетмас севар ёр,
Куйиб кул бўлди қалбимким, чинор қаддим камондир.

Шунчалар ёр кўнгли сокин кўрса ҳам парвоси йўк,
Бу раҳимсиз шўҳни қаҳри менга ҳамон, ҳамондир.

На бўлур кўрганда бир кулсанг йироқдан бўлса ҳам,
Деб эдим, у: «Шукур қил», - дер, - танда жонинг омондир».

«Бевафолик бас, етар, бўлгил вафодорим десам»,
Деди: «Бир менму вафосиз, чин бевафо жаҳондир».

Дедим: сен сайр этиб эллар, кўзинг ўйнар қаёнда,
Фақат ёрим, адашма, ким вафолик ошёнди.

Кўшилдинг элга, Восит, сен десанг арзир ҳаётман,
Ки, то остона босмасдан кўнгиллар бемакондир.

1985 йил

АЙЛАСАМ

Ёр дема ёрим мени бағримни гар тош айласам,
Кўр бўлиб, чиқсин кўзим ағёрни йўлдош айласам.

Юр десам юрмоққа йўқдир мен билан асло ҳушинг,
Нега меҳринг товламас, мен шунча бардош айласам.

Сир тутарсан то ҳануз ишқингни мендан не учун,
Ўзни сенга шунчалар сўзлабки, сирдош айласам.

Кувла сен, мўлтони, деб ёнингга борсам бўзрайиб,
Сенга озор етказиб, мен ўзни бебош айласам.

Айб этарсан нега сен юрсам синиқ, эл ичра, мен,
Тегмасин сўз деб сенга, завқимни эвош айласам.

Шунча ойлар ўтди бас, қўй ўтмасин йиллар яна,
Бемалол кўнглингни оч, одам кетай фош айласам.

Бор менинг, Восит, фақат бир яхши орзу, ниятим,
Бир умрга мен сени ардоқли йўлдош айласам.

1985 йил

АЙЛАМАС

Унга парво айласам, у менга парво айламас,
Қанча қилсам илтижо, ўз кўнглига жо айламас.

Рашкдан ўртанмайму юрса очилиб боғларда у,
Бу чирой, бу нозанинлик кимни шайдо айламас.

Менда ишқ-интиқ амал қалбимни буткул ёргудек,
Ёрим ишқин чехрасида нега пайдо айламас.

Дардим ошди ҳажрида парвонадан ҳолим ёмон,
То ҳануз ноз айлағай, меҳрин ҳувайдо айламас.

Сўз бериб келмайди, унда важ адо бўлмас сира,
Ҳеч йўғи бир хушхабарлик хатни иншо айламас.

Менда кундан-кун ҳаловат, уйқу йўқ ўй дардидан,
Шўҳим асло ўйламас, ўзини зуҳро айламас.

Қилса менга қанча ноз, ишқим бўлур, Восит, зиёд,
Оқибат, жоно бўлиб, ёшимни дарё айламас.


1985 йил

МУНДАРИЖА

Ораста умр боғи	5
Қудратбахш	7
Ўп	8
Тилак монанд	8
Хушҳаво	9
Огоҳ	10
Айласин	10
Элга эл бўл	11
Улуғ юрт	11
Қувончим	12
Ривож	13
Синов	13
Яхши бўл	14
Кам-кам	15
Азизсан	15
Даврон	16
Бил	17
Армон бўлмасин	17
Иттифоқ	18
Бўлдим азиз	19
Нажотим бор	19
Хушҳаво	20
Розиман	21
Элим қутлаб	21
Йўлчи юлдуз	22
Дилдан жаранглаб	23
Яхши одат	23
То ҳаётсан	24
Илож	25
Баҳс	25
Дарё ҳаёт	26

Бир ширин	27
Номинг таралсин	27
Қанотинг	28
Мисли боғ	29
Кеч	29
Сўзлаш	30
Тушмасин	31
Рафиқ	31
Уйга бош	32
Рози	33
Тавалло	33
Бу чирой	35
Вафолар	36
Билмаса	36
Учма	37
Мадҳинг ўзгача	38
Ғам истамас	38
Сизни	39
Ўрганди	40
Ўйнаб-ўйнаб	40
Юлдузим келди	41
Парвоналар қилди	42
Хуш келдингиз	42
Баҳорим	43
Баҳона қилманг	44
Жон керакмасдур менга	44
Севганим	45
Муҳаббат боғи	46
Мубталоман	46
Чеҳра очмас	47
Ўрганиб	48
Ўзинг	48
Ўзим	49
Ҳануз	50

Менчалик	50
Излар кўзим	51
Жон билан	52
Ишон	52
Эъзоз айлагач	53
Йўқ десанг	54
Воқиф	54
Хабар келтир	55
Кўриб	56
Кўрсатди	56
Ораста	57
Кулиб турса	58
Назар ташлаб	58
Дилнавоз	59
Фаттон кўзинг	60
Нишоним	60
Қайдасан	61
Жонинг омон	62
Айласам	62
Айламас	63



Адабий-бадий нашр
Восит Саъдулла
ҚУТЛУҒ ВАТАН

Мухаррир
Техник муҳаррир
Мусаҳҳиҳ

Ҳабибулло
Минираҳон Мирзакаримова
Нигораҳон Тожиматова.

Босмаҳонага 2004 йил 30 мартда берилди. Босишга 2004 йил 12 майда руҳсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳарфлар гарнитураси PANDA Bukvar UZ. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма №800
Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» OAJ босмаҳонасида
офсет усулида босилди.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 71.

